

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 19-fevral, chorshanba № 14 (15756)

Yoshlarga oid davlat siyosati — amalda

ЁШ ОЛИМ МУВАФФАҚИЯТЛАРИНИНГ СИРИ

Хаётда ўз ўрнини топиш ҳар бир инсоннинг энг олий мақсадидир. Ана шу мақсад сари тинимсиз интилиш, сеvimли касб билан машғул бўлиш улкан муваффақиятларга замин яратади.

Аброр Пирнафасов — ёш ва истеъдодли математик. Бугунги кунда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг механика-математика факультетида магистратура йўналишида тахсил олаётган йигит болалигиданоқ математикага ўзгача меҳр қўйди ва бутун фаолиятини илм-фанга бағишлаганга қатъий аҳд қилди.

— Арифметика асослари менга болалигимдаёқ яхши таниш эди, — дейди Аброр. — Ҳали мактабда ўқиб юрган кезларимдаёқ математикани ўрганиш орқали бизни ўраб турган оламнинг кўплаб сирларини идрок этиш, инсоният олдида турган масалаларни ҳал қилиш мумкинлигини англаб етдим. Буюк мутафаккир аждодимиз Муҳаммад Хоразмий арифметикага бағишланган «Ал-жабр ва ал-муқобала» рисоласини айнан инсонлар эҳтиёжидан келиб чиқиб яратганини қайд этган. Замоनावий алгебрага асос солган улуғ аждодимиз шу тариқа математиканинг инсон ва жамият ҳаёти учун нақадар муҳимлигини исботлаган. Муҳаммад Хоразмийнинг илм йўлидаги бу фидойилиги менга ҳамisha илҳом бағишлайди.

Аброр камтар йигит бўлгани боис ўқувчилик йилларидаги ютуқлари тўғрисида гапиришни хоҳламайди. Шунинг учун Аброрнинг нафақат Бухоро вилояти, балки мамлакатимиз миқёсида ўтказилган математика олимпиадалари ва бошқа танловларда голиб бўлгани ҳақида унинг синфдоши Ф.Абдурашидов сўзлаб берди.

Аброр Қорақўл туманидаги 1-ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг 10-синфида ўқиб юрган кезларида ҳаётидаги биринчи халқаро олимпиаданинг саралаш босқичидан муваффақиятли ўтди ҳамда математика бўйича Ўзбекистон терма жамоасига қабул қилинди. 2008 йилнинг июль ойида ўқувчилар ўртасида Испанияда ўтказилган 49-Халқаро математика олимпиадасида қатнашиб, фахрий ёрлик билан тақдирланди. Германиянинг Бремен шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги 50-олимпиадада эса Аброр бутун дунёдан келган ёш математиклар орасида 3-ўринни эгаллади.

Шу ўринда юртимиз ўқувчилари халқаро фан олимпиадалари ва танловларда мунтазам равишда муваффақиятли иштирок этиб, ўзларининг юксак интеллектуал салоҳияти билан бутун дунё аҳлини ҳайратга солиб келаётганини таъкидлаш жоиз. Буларнинг барчаси мамлакатимизда Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган, ҳар томонлама пухта ўйланган ёшларга оид давлат сиёсатининг самаралари сифатида барчамизга мамнуният бағишлайди. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, олдимизда турган эзгу мақсадларимиз — мамлакатимизнинг буюк келажиги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётиямиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятида қандай ўрин эгаллаши ҳам — буларнинг барча-барчаси, авваламбор, янги авлод, униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир.

(Давоми 4-саҳифада)



5-бетга қаранг

Рустам Назарматов олган суратлар

Кун ЯНГИЛИГИ

1 Наманганда «Камолот» ЁИХ вилоят кенгашининг VI ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Унда Ҳаракатнинг Наманган вилояти кенгаши раиси Ж.Нодиров ўтган икки ярим йил мобайнида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот берди. Конференцияда вилоят кенгаши раислигига Иброҳим Ҳожиев сайланди.

2 Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси шу йилнинг 6 октябрь куни Қатар терма жамоасига қарши сафарда ўртоқлик учрашувида майдонга тушади.

3 Пойтахтимизда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси «Нодавлат нотижорат ташкилотларни самарали бошқариш» мавзусида семинар-тренинг ўтказди. Аёлларнинг ижтимоий фаоллигини янада ошириш, аҳолига тадбиркорлик асослари ва микрокредитлаштириш борасида ахборот бериш ва таълим хизматларини кўрсатиш бўйича тренерлар тайёрлаш мақсадида ташкил этилган тренингда маҳалла, хотин-қизлар кўмиталари ва бошқа ташкилотлардан вакиллар иштирок этди.

■ Hisobot-saylov konferensiyalari ■

ДЕЛЕГАТЛАР ЎЗ ФИКРИНИ АЙТА ОЛАЯПТИ...МИ?

Эрта тонгдан вилоят ёшлари Термиз шаҳар ҳокимлигига ошиқмоқда. Биз ҳам уларнинг ортидан эргашидик. Ҳокимлик биноси томон одимлар эканмиз, воҳа ёшларининг ижодий ишлар кўргазмасига дуч келдик. Чинакам санъат асарлари. Кузата туриб, сурхондарёлик ёшларнинг ҳунармандлик, ҳайкалтарошлик, каштачилик, тўқимачилик ва амалий санъатнинг барча турларини яхши ўзлаштирганлигини кўриш мумкин.

Кейин билдикки, бу ерда «Камолот» ЁИХ Сурхондарё вилояти кенгашининг навбатдаги ҳисобот-сайлов конференцияси ўтказилаётган экан. Ёшларнинг юзида табассум, тагин қандайдир ҳаяжон. Сабаби, бизга бир қадар аёндек. Ахир, бугун улар Ҳаракатнинг вилоят кенгаши фаолиятига оид маълумотлар билан танишиш асносида ўзларига етакчи сайлаб олишади.

Конференцияда Ҳаракат-

нинг туман ва шаҳар кенгашларидан сайланган делегатлар, давлат ва жамоат ташкилотлари, таълим муассасалари ходимлари ҳамда журналистлар қатнашиб, кузатиб боришди. Конференция кун тартибидаги дастлабки масала — «Камолот» ЁИХ Сурхондарё вилояти кенгашининг икки ярим йиллик фаолияти ҳақида Ҳаракатнинг вилоят кенгаши раислигини вақтинча бажариб келган Санжар Нуриевнинг ҳисоботи



тингланди. Делегатлар Ҳаракатнинг вилоят кенгаши иш фаолиятини қониқарли деб топгач, назорат-тафтиш комиссиясининг янги таркиби, «Камолот» ЁИХ Сурхондарё вилояти кенгаши аъзолари ҳамда Ҳаракатнинг вилоят кенгаши раиси ва ўринбосарлари ҳам

сайлаб олинди. «Камолот» ЁИХ Сурхондарё вилояти кенгаши раислигига кўрсатилган номзод Анвар Раҳмоновни делегатлар бир овоз билан сурхондарёлик ёшларнинг етакчиси этиб сайлашди.

Янги раис учун «Камолот»-да ишлаш янгилик эмас. У Тер-

миз шаҳар ҳокимлиги қошидаги уй-жойдан фойдаланиш ва таъмирлаш бошқармаси бошлиғи, ундан олдин «Камолот» ЁИХ Термиз шаҳар кенгаши раиси вазифасида ишлаб келган.

Конференцияда Сурхондарё вилояти ҳокими Эшдавлат Жўраев иштирок этиб, мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган юксак эътибор ва имкониятлар, бу борада вилоят ошириллаётган ишлар ҳақида сўз юритди. Тадбир давомида воҳадаги бир гуруҳ фаол ёшлар сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

— Конференцияга Шеробод туманидан делегат бўлиб қатнашдим, — дейди Ҳаракатнинг «Шеробод Пахта» ОАЖдаги бошланғич ташкилоти етакчиси Аскар Каттаев. — Бу ерда ўз тақлифимни билдириб, муносиб билган номзодимга овоз бердим. Конференция очик, ошқора, таассуротларга бой бўлди.

Конференция сўнггида бир қатор иқтидорли ва истеъдодли ёшларга вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,
«Turkiston» мухбири

ТАКЛИФЛАР ЕРДА ҚОЛМАЙДИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг VI ҳисобот-сайлов конференциялари қизгин давом этмоқда. Хоразм вилоятида бўлиб ўтган навбатдаги конференцияда қатнашган делегатлар Ҳаракатнинг вилоят кенгаши фаолиятини сарҳисоб қилиб, баҳо беришди, ютуқлар, тақлифлар, ечимини кутаётган муаммолар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди, шунингдек, ўзларига муносиб деб топган номзодга овоз бериб вилоят ёшларининг етакчисини сайлашди.

Вилоят маънавият ва маърифат марказида ўтказилган конференция олдиндан ҳунарманд, тадбиркор ва иқтидорли ёшларнинг ижодий кўргазмаси ҳамда китоблар ярмаркаси ташкил этилди. Кўргазмада Урганч давлат университети талабаси А.Ҳожибоев ишлаган «Камолот» шаҳарчаси» макети иштирокчи ва меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди.

Конференцияни Хоразм вилояти ҳокими П.Бобононов очиб бериб, Ҳаракат вилоят кенгашининг ўтган даврдаги фаолияти юзасидан ўз фикрини билдирди. Вилоят ҳокими ўз сўзида Президентимизнинг шу йил 6 февралдаги «Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги қарорининг қабул қилиниши мамлакатимизда амалга ошириллаётган кенг қўламли ислохотларда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илмфан ютуқларини пухта ўзлаштирган, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлод-

ни вояга етказишга қаратилган ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга оширишда давлат ва жамоат ташкилотлари олдида жуда катта ва масъулиятли вазифалар қўйилганлигини таъкидлаб ўтди.

Ҳисобот-сайлов конференциясида «Камолот» ЁИХ вилоят кенгашининг ўтган икки ярим йил мобайнида амалга оширган ишлари, эришган ютуқлари, йўл қўйилган камчиликлар ҳақида ҳисобот берилди. Қайд этилишича, бугун Ҳаракатнинг вилоят кенгаши тизимида 793 та бошланғич ташкилот бўлиб, унга 187 минг нафарга яқин ёшлар бирлашган. Уларга мамлакатимизда амалга ошириллаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини тушунтириш, ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган «Сиз қонунни биласизми?» ва «Ҳуқуқ билимдонлари» кўрик-танловлари йигит-қизларнинг зарур билим ва кўникмага эга бўлишига хизмат қилмоқда. «Аждодлар мероси — келажак пойдевори» фестивали, «Маҳаллам тарихини ўрганаман», «Энг фаол маънавият тарғиботчиси», «Қадрият,

урф-одат, анъана ва ёшлар» каби лойиҳаларда эса маънавий-маърифий соҳадаги муҳим йўналишлар тарғиботи йўлга қўйилган. Шаҳар ва туманларда ташкил этилган бўш иш ўринлари ярмаркалари орқали 61115 нафар ёш иш билан таъминланди. «Ёш тадбиркор — юртга мададкор», «Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор», «Менинг бизнес гоям» танловлари орқали 210 нафар ишбилармон ёш 63 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, ўз бизнесини йўлга қўйди. «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши қошидаги «Ёш тадбиркор» консультатив марказида 1200 нафар йигит-қиз тадбиркорлик бўйича ўқитилиб, уларга 160 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Бунинг натижасида юзта янги иш ўрни яратилди.

Конференцияда вилоят ҳокими ўринбосари М.Эрметов сўзга чиқиб, Ҳаракат вилоят кенгашининг ўтган икки ярим йиллик фаолиятини қониқарли деб топди ва келгусида амалга оширилиши лозим бўлган йўналишлар ҳақида ўз тавсияларини берди. Шундан сўнг делегатларнинг сайлови асосида тавсия этилган номзод қўллаб-қувватланди, яъни вилоят кенгашининг амалдаги раиси Мансурбек Машарипов бир овоздан «Камолот» ЁИХ Хоразм вилояти кенгаши раиси этиб қайта сайланди.

Конференция давомида бир гуруҳ ёшлар сўзга чиқиб, ўз тақлиф ва ташаббусларини ўртага ташлади. Жумладан, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Д.Маткаримова «Камолот» қошида «Ёшлар кутубхонаси» ташкил

этилишини, «Ёш тадбиркор — юртга мададкор» лойиҳасининг республика босқичи ғолиби М.Йўлдошева «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши қошида фаолият олиб бораётган «Ёш ижодкорлар» клубининг моддий техник базасини янгилаш, «Талабалар баҳори — 2013» фестивали ғолиби З.Динеева русийзабон халқлар учун ўзбек тилини ўргатиш тўғрақларини ташкил этиш тақлифини билдирди.

Конференция сўнггида ёшларнинг тақлифларидан келиб чиққан ҳолда, «Китоб дурдонаси» ўқув-услубий коллектори вилоят филиали раҳбари Н.Юсупий «Камолот» кутубхонасини вилоят шаҳар ва туманларида ташкил этиш учун беш юз минг сўмлик китоб тақдим қилди.

Конференцияда Ҳаракат ва унинг бошланғич ташкилотларида ёшлар иштирокини кучайтириш, бу борадаги иш услубини такомиллаштиришга доир тақлифлар, тавсиялар билдирилди.

Сарварбек Матмуротов, «Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор» танлови ғолиби:

— Бизнес режа яратиш ва уни амалга оширишда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати мутахассислари менга катта кўмак беришди. Ҳаракат ташкил этаётган тадбирларда мунтазам қатнашиб келаятганим боис, тадбиркорлик соҳасида пухта билим ва кўникмага эга бўлдим. Бугун корхонамда тайёрланаётган ҳунармандчилик маҳсулотлари ва халқ амалий санъати дурдоналари барчага манзур бўлмоқда.

Шахло САФАШЕВА



Ko'zgu

ЁНДАШУВ ЯНГИЧА БЎЛДИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати қошидаги «Ўқув-услубий марказ» нодавлат таълим муассасасида Ҳаракатнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашидаги «Иқтидорли ёшлар билан ишлаш» бўлими мудирлари фаолияти билан яқиндан танишиш, уларнинг касбий малакасини оширишга қаратилган ўқув-семинар ташкил этилди.

Дастлабки кун семинар иштирокчилари ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг конституциявий кафолатлари ҳамда уларни таъминлаш механизмлари ҳақидаги маълумотларга эга бўлишди. Бўлим мудирлари мавзуга оид қизиқтирган саволларига юридик фанлари номзоди Иномжон Самиевдан жавоб олишди. Семинар иштирокчилари билимларини синовдан ўтказишди.

Машғулотнинг иккинчи ва учинчи кунларида семинар иштирокчилари талабалар билан мулоқот қилишнинг самарали усуллари бўйича олиб борилган амалий машғулотларда қатнаш-

дилар. Улар «Таълим муассасаларида ёшларни бошқаришдаги муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари» мавзуда «Эверест», «Степ» ва «Антакия» жамоаларига бўлиниб ўзаро беллашдилар. Яқинда «Степ» жамоаси ғолиб бўлди. Икки кунлик семинар ана шундай қизиқарли ва фойдали машғулотларга бой бўлди.

Дастур бўйича машғулотнинг тўртинчи кунда бўлим мудирлари турли мавзулар бўйича тренинг машғулотларини олиб бориши керак эди. Шундай ҳам бўлди. Дастлаб Тошкент давлат педагогика университети профессори Вализа Раҳимова қатнашчилар-

га имконияти чекланган ёшлар ва уларни муҳофаза қилиш бўйича тушунчалар берди. Шундан сўнг Ҳаракатнинг Сирдарё вилояти кенгашининг «Иқтидорли талабалар билан ишлаш» бўлими мудирлари Умид Муҳаммедов ишда муваффақиятга эришиш сирлари бўйича машғулот ўтказди.

— Ҳар бир бўлим мудирлари ўз ишининг устаси бўлиши керак, — дейди Умид Муҳаммедов. — У ҳам нотик, ҳам ташкилотчи бўлса, нур устига нур. Вазиятга қараб одамлар билан тўғри муомала қилишни ҳам билиши шарт.

Фарғоналик Одил Раҳматов иқтидорли ёшлар билан ишлашда қандай интерфаол усуллардан фойдаланиш кераклигини интерактив ўйинлар орқали тушунириб берди. Одилбек ўрта махсус таълим муассасаларида «Иқтидорли ёшлар» академиясини ташкил этиш таклифини ҳам билдирди. Семинар қизиқарли фикр-мулоҳаза, мушоҳадага уланиб кетди.

Семинарнинг сўнгги

кунида бўлим мудирлари олган билим ва кўникмаларини синовдан ўтказди. Махсус тестларни ечиб, янги лойиҳалар устида ишлашди.

— Бугун биз бир нечта лойиҳаларни кўриб чиқдик, — дейди Ҳаракатнинг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши «Иқтидорли ёшлар билан ишлаш» бўлими мудирлари Байрамбек Тангирбердиев. — Масалан, «Камолот» стипендиясининг низомини қайтадан ишлаб чиқдик. Шунингдек, бўлим фаолиятига оид янги таклифларни ҳам илгари сурдик. «Таклифлар базаси»ни яратиб, «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгашига тақдим этмоқчимиз.

Семинарда қатнашган ҳар бир «Камолот»чи янги билим, янги гоё ва ташаббуслар билан ўз худудларига қайтмоқда. Эндиликда улар иқтидорли ёшлар билан ишлашнинг янги методини амалга татбиқ этган ҳолда янгидан-янги истеъдод эгаларини кашф этишади.

Кумар БЕГНИЯЗОВА,
«Turkiston» мухбири

Xushxabar

ЎЗБЕКИСТОНЛИК СПОРТЧИ ҚИЗ — ОСИЁ ЧЕМПИОНИ!

Хитойнинг Ханчжоу шаҳрида энгил атлетика бўйича ётиқ биноларда Осиё чемпионати давом этмоқда. Мусобақада ўзбекистонлик спортчилар муваффақиятли старт олишди. Ядро улоқтириш баҳсларида София Бурҳонова зафар қучди. У энг яқин таъқибчиси — мусобақа мезбонларидан бўлган хитойлик рақибасини 20 сантиметрга ортда қолдирди.

Узунликка сакраш секторида кумуш медаль ҳамюртимиз Дарья Резниченкога насиб этди. Энг яхши уринишида 6 метр 30 сантиметр натижани қайд этган Дарья чемпион — япониялик Юрина Хиракага бор-йўғи 4

сантиметр ютқазди, холос. Ушбу секторда Анастасия Журавлёва 5-ўринни эгаллади. Андрей Резниченко шу секторда эркаклар баҳсида 7 метр 22 сантиметр натижа билан 8-ўринни қўлга киритди. Нигина

Шарипова 60 метрни 7,99 сонияда югуриб ўтди, лекин финалга чиқа олмади. 400 метрга югуришда Наталья Асанова ўз гуруҳида маррага иккинчи бўлиб етиб келди. Финалда тезроқ югурганига қарамай (56,96), яқинда олтинчи поғонадан жой олди. Шу масофага югуришда Артём Дятлов гуруҳда марра чизигини иккинчи бўлиб кесиб ўтди.

Спортчиларимиз Ханчжоуда янги ютуқларни қўлга киритишади, деган умиддамиз.

Омонжон ТҲТАМИРЗАЕВ

Boshlang'ich tashkilotlarda

«Ўзметкомбинат» очиқ акциядорлик жамиятида «Камолот» кубоги учун футбол бўйича ёш металлургия мусобақаси якунланди. «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти ташаббуси билан ташкил этилган турнирда 27 та цехдан жами 270 нафар ёш ишчи ва ходим қатнашди.

МАЙДОНДА — ЦЕХ ЁШЛАРИ

Финал ўйинида пўлат симларини ишлаб чиқариш ҳамда халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш цехлари жамоалари майдонга тушди. Пўлат симларини ишлаб чиқариш цехи футболчилари рақиб жамоа устидан 2:0 ҳисобида ғалаба қозониб, «Камолот» кубоғига сазовор бўлишди. Шундай қилиб, халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш цехига иккинчи, электрда пўлат эритиш цехига учинчи ўрин насиб этди.

Мусобақанинг ғолиб ва совриндорларига «Ўзметкомбинат» ОАЖ бошқаруви ва касабаяушмаси қўмитаси томонидан диплом ва совғалар топширилди.

Бекзод ҚОДИРОВ

Tashabbus

Навоий шаҳридаги «Баркамол авлод» болалар ижодиёти маркази қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда мактаб ўқувчиларининг маънавий-ахлоқий тарбиясини янада яхшилаш, бўйи вақтларини мазмунли ташкил этиш, турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган туркум тадбирлар ўтказиб келяпти.

МАҚСАДГА ҲАМКОРЛИКДА ЭРИШИЛАДИ

«Соғлом келажак сари» мавзусидаги семинар-тренинг ҳам вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган тадбирларнинг узвий давоми бўлди. Навоий шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, ИИБ, «Камолот» ЁИХ Навоий шаҳар кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу семинар ўқувчиларни ҳаётга катта ишонч билан қарашга, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда юксак ахлоқий фазилатларни қарор топтиришга бағишланди.

Тадбирда сўзга чиққан мутасадди ташкилотлар вакиллари ёш авлоднинг ҳуқуқий билим ва саводхонлигини ошириш, давлат ва жамият олдидаги бурч ва масъулиятини теран ҳис этиши, ёт гоёлар таъсирига тушмаслиги, Ватанга содиқ бўлиб камолга етишларида оила, маҳалла ва таълим муассасаларининг ўрни беқиёс эканлигини алоҳида таъкидлашди.

Ўткир ПЎЛАТ



НАНОФЛЮИДЛАР ВА ЯНГИ НАЗАРИЯ



Ўтган асрда нанозарраларнинг кашф қилиниши замонавий илм-фан имкониятларини мислсиз даражада оширди. Энди улар ёрдамида турли жараёнларни янаям теран ўрганиш, фандаги кўплаб жумбоқларга ечим топиш мумкин. Физика, кимё, тиббиёт соҳаларида татбиқ этилаётган нанотехнологиялар эса янгидан-янги ихтироларга йўл очиб бермоқда. Инсон кўзи илгмайдиған ва ҳатто, микроскоп остида кўринмайдиган нанозарралар баҳайбат қўёши коллекторлари, ядро реакторларини автомобиль двигателларини совита олишига ақл бовар қилмайди. Наноплюидларда содир бўлувчи физик ҳодисаларни тадқиқ этаётган Суҳроб Тиллаевдан бошқа қизиқарли тафсилотларни ҳам билиб олдик.



Суҳроб Ўзбекистон Фанлар академияси ион-плазма ва лазер технологиялари институти докторанти. У илмий фаолиятини кўп фазали тизимлар иссиқлик физикаси лабораториясида олиб бормоқда. Тадқиқот иши доирасида наноплюидлардаги жараёнлар кинетикасининг назарий асосларини яратишни мақсад қилган. Суҳробтошимиз даставвал «наноплюид» атамасига ойдинлик киритади.

— Наноплюидлар муайян модда ёки бирикмадаги асос суюқлик ва нанозарралардан иборат, — тушунтиради ёш олим. — Масалан, сув ҳам асос суюқлик бўла олади. Суюқликка нанозарралар қўшилиши билан, сув наноплюидга айланади. Наноплюидларни икки хил усулда ҳосил қилиш мумкин. Биринчиси, суюқлик ичидеги йирик зарраларни маҳсус асбоб ёрдамида нанозарраларга парчалаш йўли билан. Бир нанометр бир сантиметрнинг ўн миллиондан бир қисмига тенг. Демак, битта йирик заррани ўн миллион қис-

мга бўлиш керак. Иккинчи усулда маҳсус нанокукунлар ишлатилади. Нанокукун суюқликка аралаштирилиб, ультратовуш ёрдамида бир жинсли масса ҳолатига келтирилади. Аҳамиятли томони шундаки, фанга олдинроқ маълум бўлган микроразралардан фарқли ўлароқ, нанозарралар суюқлик тубига чўкмайди. Мухими, улар бир қатор фойдали хусусиятларга эга. Масалан, нанозарралар асос суюқликнинг иссиқлик ўтказувчанлигини сезиларли равишда оширишга хизмат қилади. Биз мазкур жараённи сув асосида тайёрланган наноплюидлар мисолида ўрганимиз. Чунки бу турдаги наноплюидлар кўп тарқалган. Бугунги кунда юқори иссиқлик ўтказувчанлик хусусиятига эга наноплюидлар саноат корхоналаридаги совутиш тизимларида жуда кўл келмоқда. Бундан ташқари, улар машина ёки автомобилда ёнилғининг тез ва тўла ёнувчанлигини таъминлайди. Натижада, ёнилғи бехуда сарф бўлмайди ва тежалари.

— Асос суюқликлардаги яна бир муҳим жиҳат уларнинг қовушқоқлигидир, — давом этади Суҳроб Тиллаев. — Наноплюидларда бу кўрсаткич анча юқори. Узоқ кузатув ва изланишларимиз натижасида наноплюидларнинг кислоталик даражасини ўзгартириш орқали қовушқоқлигини бошқариш мумкин, деган хулосага келдик. Энди олдимизда турган асосий вазифа бу ҳолат нега ва қандай омиллар таъсирида юз беришини, қайси қонуниятга бўйсунини тушунтириб беришдан иборат. Ҳозир наноплюидлар бир қатор соҳаларда қўлланилаётганига қарамай, уларда рўй берувчи ички ҳодиса ва жараёнлар фанда тўлиқ ўрганилганича йўқ. Содда қилиб айтганда, наноплюидлар физикасини тавсифловчи мукамал назария ҳали яратилмаган. Тадқиқотимнинг пировард мақсади шу муаммони ҳал этишга қаратилган. Муаммо эса анча долзарб. Бу соҳада АҚШ, Германия, Буюк Британия, Франция, Канада, Испания, Хитойлик олимлар ҳам иш

олиб боришмоқда. Мен хорижий ҳамкасбларимнинг ишини кузатиб боришга ҳаракат қилаяпман.

Қахрамонимизнинг мураккаб илмий изланишларида устози, физика-математика фанлари доктори Сирожиiddин Мирзаев яқиндан кўмаклашиб, йўл-йўриқ кўрсатиб келмоқда. Ўтган йили Суҳроб Германиянинг Гёттинген шаҳридаги Учинчи физика институтида малака ошириб қайтди. У ердаги замонавий лабораторияда ишлаб, наноплюидларни динамик ёруғлик сочилиш ва акустик спектроскопия усуллари ёрдамида ўрганди. Бу усуллар билан нанозарраларнинг ўлчамини аниқлаш мумкин. Суҳробнинг илмий тадқиқоти доирасида ютиб олинган грант маблағлари ҳисобига яқинда кўп фазали тизимлар иссиқлик физикаси лабораториясига Германиядан наноплюидларнинг электрофизик хоссаларини ўлчовчи янги асбоб олиб келинди. Бу ёш олимга тадқиқотнинг экспериментал қисмини Ўзбекистонда давом этти-

риш имконини беради.

Болалиқдан кўпроқ аниқ фанларга қизиққан Суҳроб Тиллаевнинг физика оламига кириб келишига онаси берган бир китоб сабаб бўлган. Бу физика тарихи ва унинг даҳолари ҳаёти ҳақидаги асар эди. Шу-шу, ўсмир йигит физик бўлиш орзуси билан яшай бошлади. Мактабни тамомлагач, Бухоро давлат университетининг физика-математика факультетида ўқишга кирди. Наноплюидлар билан талабалик йилларидан таниша бошлаган. Республика фан олимпиадасида қатнашиб, 2-ўринни қўлга киритди. Кейин пойтахтга келиб, таълимни Ўзбекистон Миллий университетининг магистратура босқичида давом эттирди. Магистратурада илмий раҳбари Сирожиiddин Мирзаев ёш, иқтидорли шогирдини кўп фазали тизимлар иссиқлик физикаси лабораториясига ишга тақлиф қилди.

— Лабораториямизда менга ўхшаган ёшлар кўп, — дейди Суҳроб мамнуният билан. — Ҳар биримиз, икки-учтадан хорижий тилни биламиз, илмий мақолаларимиз чет элдаги нуфузли нашрларда чоп этилмоқда, халқаро илмий марказлар билан ҳамкорлик қилиб келяпмиз. Интилганга толе ёр, деган нақлни болалиқда кўп эшитардим. Ҳозир ўзимни илм-фанга бағишлаб, бу ҳикматнинг мазмуини чуқурроқ англаяпман. Юртимизда ёшлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганини кўриб, беҳад қувонаман. Бундай эътибор бизга куч беради, катта мақсадлар сари интилишга ундайди.

Наргиза УМАРОВА,
«Turkiston» мухбири.
Александра Спиридонова
олган сурат

ЁШ ОЛИМ МУВАФФАҚИЯТЛАРИНИНГ СИРИ

(Давоми, аввали
1-саҳифада)

Мамлакатимизда иқтидорли ёшларнинг давлат томонидан муносиб рағбатлантирилиб, уларга юксак эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишдек эзгу анъана шаклланган. Жумладан, Аброр Пирнафасов ҳам халқаро олимпиадаларда эришган ютуқлари учун Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетига имтиҳонсиз қабул қилинган.

— Аброр курсдошлари орасида етакчи эди, — дейди физика-математика фанлари номзоди, доцент Э.Норматов. — Муваффақият фанларидан аъло баҳоларга ўқиб, ўз билимини курсдошлари билан баҳам кўрар, улардан ёрдами аямасди. Шунинг учун у университет талабалари орасида алоҳида ҳурмат қозонди.

А.Пирнафасовнинг ўқувчилик йилларидаги муваффақиятлари талабалик йилларида ҳам да-

вом этди. Олий ўқув юртлари ўртасида ўтказилган республика анъанавий олимпиадаларида бир неча олтин ва кумуш медалларни қўлга киритди. Бакалаврият йўналишининг 4-курсда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендиясига сазовор бўлди.

Бугунги кунда Аброр механика-математика факультетида магистратура йўналишида таҳсил олиш билан бирга, алгебра ва функционал таҳлил кафедрасида илмий изланиш олиб бормоқда. Ёш олимнинг тадқиқотлари математиканинг энг мураккаб ва истиқболли соҳаларидан бири — генетик алгебра ва квадратик стохастик операторлар назариясига бағишланган.

— Аброр ҳам ўқишда, ҳам илмий фаолиятда, умуман, ҳаётда ўз олдига олий мақсадлар қўйишга одатланган, — дейди магистрантнинг илмий раҳ-

бари, профессор Р.Фанихўжаев. — Квадратик стохастик операторлар ва генетик алгебра назарияси соҳасида тадқиқот олиб бориш ҳамма математикларнинг ҳам қўлидан келавермайди, шогирдим эса бу йўналишда салмоқли натижаларга эришмоқда.

Дарҳақиқат, истеъдодли ёш математик магистрлик диссертацияси устида кунт билан ишламоқда. Илмий мақолалари мамлакатимиз илмий журналларида чоп этилаётди. Унинг бундай саъй-ҳаракатлари давлатимиз эътиборидан четда қолмапти. Президентимиз рақиб ва истиқболли соҳаларидан бири — генетик алгебра ва квадратик стохастик операторлар назариясига бағишланган. Президентимиз рақиб ва истиқболли соҳаларидан бири — генетик алгебра ва квадратик стохастик операторлар назариясига бағишланган. Президентимиз рақиб ва истиқболли соҳаларидан бири — генетик алгебра ва квадратик стохастик операторлар назариясига бағишланган.

— Камтарона меҳнатларим давлатимизнинг



Сарвар ЎРМОҲОВ (ЎЗА) олган сурат

юксак мукофотига лойиқ кўрилганидан беҳад хурсандман, — дейди у. — Президентимизнинг қўллаб-қувватлаши, эътибори ва ғамхўрлиги биз, ёшларни янада юқори марраларга эришишга ундамоқда. Айни пайтда бу Ватанимиз равнақи ва буюк келажаги учун улкан масъулият эканини ҳам яхши ҳис этамиз. Мен ўз йўлимни танладим, мақсадим етук математик

олим бўлиб, мамлакатимиз илм-фани равнақига ҳиссамни қўшишдир.

Мухтасар айтганда, Аброр Пирнафасов муваффақиятларининг сири сеvimли касбида фидокорона меҳнат қилиб, ўз устида тинимсиз ишлаётганидир. Президентимизнинг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оши-

ришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ўсиб келаётган ёш авлодини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашнинг муҳим кафолати бўлади. Бу қарор ёшларимиз ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун янада кенг имкониятларга эга бўлганини англатади.

Бобур ОБИДОВ,
ЎЗА мухбири

МАЪНАВИЯТ — ЮКСАЛИШ МЕЗОНИ

Маънавият омили мустақилликка эришилган дастлабки йилларда ноқ миллий тараққиётимизнинг бош ҳаракатлантирувчи кучи, барча фаолиятларнинг асосий мезони, буюк истиқболимиз маъғи сифатида белгиланди. Маънавиятнинг давлат, жамият ва шахс ҳаёти, фаолиятидаги устувор мавқеи барча соҳада барқарор ривожланиш имконини берди.

Ҳамюртларимиз бугунги кунга шукроналик, эртанги кундан умид ва қатъий ишонч туйғуси билан яшамоқдалар. Мамлакатимизда ҳеч кимдан кам бўлмаган ва кам бўлмайдиган янги авлод камол топмоқда. Энди биздан қисқа давр мобайнида катта меҳнат эвазига эришилган ана шу ютуқларни асраш, эъзозлаш талаб этилади.

Юртбошимиз одамлардаги бугунги фаровон турмушимиздан розилик, шукроналик, барқарор тараққиётимиз, тинч-осуда ҳаётимиздан мамнунлик, юз бераётган улғувор ўзгаришларга дахлдорликка айланганини қайд этиб, бу борада доимий равишда фаолият юритиш зарурлигини таъкидлаган. Халқимиз тарихида Абу Наср Форобий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқа кўплаб буюк аждодларимиз ҳаётдан завқ олиб яшаш, эртанги кунга умид ва ишонч билан боқиш лозимлигини ўқитганлар, некбинлик гоёларини тараннум этганлар.

Мустақиллик йилларида одамларда шахс, давлат ва жамият манфаатларини уйғун англашдан иборат, миллий тарихимизда илгари бўлмаган ёндашув шаклланди. Ўз манфаатининг давлат ва жамият манфаатлари билан уйғунлашуви одамларга ижтимоий воқеликни индивидуал, минтақавий англашдан, жамоавий англаш даражасида тафаккур юритиш имконини берди.

Истиклол йилларида халқимизда тарихга ҳурмат, аждодларимиз қолдирган бой маънавий ва маданий меросга эҳтиром, уни асраб-авайлаш хусусияти қарор топди. Қадриятларга бўлган муносабат ўзгарди.

Оила институти асосий қонуимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларда ҳуқуқий жиҳатдан мустақамланиб, у миллий ўзлигимизнинг негизи ва асл қадрияти эканлиги белгилаб берилди. Бу эса оилаларда фаровонлик ва тотувлик, ҳурмат ва муҳаббат туйғуларини кучайтириш имконини берди.

Ҳар бир мамлакатнинг эртасини белгилаб берувчи куч — юксак интеллектуал салоҳиятли йигит-қизларидир. Бундай авлод ўз-ўзидан майдонга келмайди. Бунинг учун юртда таълим асосий, ҳал

қилувчи соҳа бўлиши керак. Истиклол йилларида юртимизда таълим тизими тубдан ислоҳ этилиб, маърифий юксалишнинг тамомила янги концепцияси ҳаётга татбиқ қилинди. Маърифий юксалишнинг мазкур дастури жамиятнинг барча аъзоларига интеллектуал тараққиёт учун кенг имкониятлар яратди. Бу эса жамиятда маърифий тараққиёт борасида ижобий маънодаги «портлаш эффекти»нинг юзага келишига шароит туғдирди.

Бунинг самараси мамлакатнинг барқарор тараққиётга эришганида кўринмоқда.

РИВОЖЛАНИШДАГИ МИЛЛИЙ ЙЎЛ

Ўзбекистон мустақилликка эришган кунданок тараққиётнинг чуқур ўйланган беш тамойил концепциясини амалга ошира бошлади. Сўнгги йиллар давомида дунё жамоатчилигида алоҳида қизиқиш уйғотаётган миллий тараққиётимизнинг «Ўзбек модели» мамлакатимизнинг ҳар томонлама барқарор ривожланишига хизмат қилмоқда.

«Ўзбек модели»нинг дунё амалиётида татбиқ этилаётган бошқа усул ва шакллardan муҳим фарқи шундаки, аввало, у давлатни турли хил ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий таҳдидлардан мустақам химоя қилиш имконини беради. Шу билан бирга, мазкур модел ҳар қандай вазиятда ривожланиш суръатларини барқарор сақлаган ҳолда турли ҳаётий жараёнлар, соҳалар ва омилларнинг мутаносиб амал қилишини таъминлайди.

Ушбу мутаносибликнинг моҳияти Президентимиз Ислам Каримовнинг 2014 йил 17 январда Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида чуқур таҳлил этиб берилди.

Бугунги кунда ёшларнинг касб танлаш имкониятлари кенгаймоқда. Республикаимиз аҳолисининг 48 фоизи меҳнатга лаёқатли ҳисобланади. Ҳозир миллий иқтисодиётимизнинг ўсиш кўрсаткичи ўртача 8 фоизни ташкил қилади, аҳолининг реал даромадлари эса 2010 йилдагига нисбатан 8,2 баробар ошган. Шундай шароитда мамлакатимизда ҳар йили ярим миллион нафар йигит-қиз аҳолининг маҳсулот яратувчи фаол қатлами сафига қўшилмоқда. Бу эса

миллий бойлик яратувчилар сони ҳар йили икки фоизга ошиб бораёпти, дегани. Демак, яна ўн йилдан кейин юртимизда меҳнатга яроқли аҳоли 55 фоизга етади. Бу ҳолатда иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатлари нечоғлик баянд бўлишини бир тасаввур қилиб кўринг-а. Биз юксак ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олишимизга шубҳа йўқ.

БАРКАМОЛ АВЛОД — МАМЛАКАТ ЭРТАСИ

Хўш, йилдан йилга барқарор ривожланиб, юксак натижаларга қандай эришилмоқда, деган табиий савол туғилади.

Биринчидан, собиқ шўрлар давлати таркибидан ажралиб чиққан аксарият давлатлар ҳали ўзининг қайси йўлдан боришини тасаввур ҳам эта олмаган бир пайтда, таъкидланганидек, Ўзбекистон тараққиётнинг миллий ва ўзига хос модели — «Ўзбек модели» бўйича ривожлана бошлади.

Иккинчидан, мустақилликнинг дастлабки кунлариданок ёшларга, уларнинг билим олиши, дунёқарашини бойитиш ва тақдирини белгилаш жараёнида таълим ва тарбия ишларининг уйғун ҳолда боришига катта эътибор қаратилди. Ёшларга оид давлат сиёсати ишлаб чиқилди, унинг ҳуқуқий асослари яратилди. Бугунги кунда мамлакатимизда бу борада тизимли ишлар олиб борилмоқда. Ҳар йили ҳукумат томонидан ёшларга оид давлат дастурини амалга оширишга қаратилган алоҳида дастур қабул қилинади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 6 февралдаги қарорига асосан Ўзбекистон Республикасида 2014 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури тасдиқланди. Дастур 67 та бандни ўз ичига олиб, унда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаоллигини ошириш; ёшлар маънавиятини юксалтириш ҳамда уларда мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетни шакллантириш; ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, иш билан таъминлаш ва тадбиркорликка жалб қилиш; ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш; иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш; вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик профилактикаси каби йўналишларда аниқ чора-тадбирлар белгиланган.

Юртимизда ёш авлодга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик ифодаси сифатида ҳар йили турли соҳаларда ўз иқтидори ва маҳоратини намоён этиб, юксак ютуқларга эришаётган бир гуруҳ



Рустам Назарматов олган суратлар

ёшлар давлат мукофотлари билан тақдирланади. Ўтган йили декабрь ойида Президентимизнинг «Юқори натижаларга эришган бир гуруҳ иқтидорли ёшларни мукофотлаш тўғрисида»ги фармонида мувофиқ, 28 нафар ёшга давлат мукофотлари — фажрий унвон, орден ва медаллар топширилди.

Учинчидан, мамлакатимизда бой тарихимиз, аждодлар меросини ўрганиш, қайта тиклаш масалаларига устувор аҳамият қаратилди, умуман олганда, маънавият масаласи давлат сиёсати даражасидаги масала қўтарилди.

Тўртинчидан, халқимиз юртимизда амалга оширилган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини чуқур англаган ҳолда, бу борадаги ишларни тўлиқ қўллаб-қувватлади.

Ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларида Ўзбекистон Миллий университетининг ёш ўқитувчиси сифатида хизмат сафари билан Австрия, Германия давлатларида бўлган эдим. У мамлакатлардаги таълим муассасалари, спорт иншоотлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари, телевидениеси билан танишгандим. Ўшанда ўзимни худди бошқа оламга тушиб қолгандек ҳис қилганман. Тўғриси, бир кун келиб биз ҳам шундай тараққиётга эришимиз мумкинлигини тасаввур ҳам қилолмасдим. Чунки ўша пайтда мамлакатимизда умумий мулк, давлат мулки, деган гоё ҳукмронлик қилар, ер-мулкни хусусийлаштириш ёки миллий маънавиятни тиклаш

шахсни эркин тарбиялаш, баркамол авлодни шакллантириш сингари гаплар инсон ақлига сиғмас эди.

Бугун дунё ўзгарди. Турли ҳудудларда содир бўлаётган алғов-далғовларнинг замирида ахлоқсизлик, маънавиятсизлик, турганини кенг жамоатчилик эътироф этмоқда. Айрим хорижий давлатларда юз берган воқеалар иштирокчиларининг аскарияти ёшлардир. Биргина ўша кўҳна Мисрнинг ҳозирги аҳоли, минг йиллик тарихни ўзида жамлаган музей, тарихий обидаларнинг оёқости бўлаётганини кўриб ачинасан, киши. Бу мамлакатда содир этилган тўполонлар натижасида ким ютди-ю, ким ютқазди, деган саволни ўртага ташлайлик. Албатта, асосий жабрни Миср халқи тортмоқда. Бу юртдаги вайронагарчиликни тиклаш учун яна қанча йиллар талаб қилинади.

Ўзбекистонда тарбия омили, шахс маънавияти масаласига йилдан йилга янада жиддий эътибор қаратилаётгани бежиз эмас.

Маънавият омилининг ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг юзага келиши ва кечилишида ҳаракатлантирувчи кучга айланиши мамлакатимизда турмуш тарзи, реал воқелик, бир сўз билан айтганда, бутун ҳаётимиз барқарорлиги, тинчлигини мустақам таъминлаб бермоқда.

Қаҳрамон ҚУРАНБОЕВ,
Республика маънавият тарғибот маркази раҳбари, сиёсатшунослик фанлари доктори

Ta'lim taraqqiyoti

МАКТАБДА БИР СОАТ

— *Қани, уй вазифасига ким тайёр?*
Юзи истарали, либослари ўзига ярашган
ўқитувчининг худди шу гатини кутиб
тургандай ўқувчилар қўлларини
кўтаришди.
— *Мен тайёрман. Устоз, мен, мен.*
Доскага мен чиқай...

Бундай пайтда Зийнегул опанинг ҳаммага синчиклаб қараб чиқадиغان одати бор. Одатдагидек, у шундай қилди ва кутилмаган тўхтама келди:

— Давлетов.

Кўлини бир кўтариб-кўтармай, ўрта қаторда яшириниб ўтирган Махсуд доскага чиқди. У кўпнинг олдида бироз довдираб турди-да, мавзуни гапиришга тушди. Саволларга ҳам аниқ жавоб берди. Сўнгра Гита Ўрозбоева вазифаларни хатосиз бажариб, «беш» баҳо олди. Амед, Расул, Гулнора савол-жавобларда фаол қатнашди.

— Бугун сиз билан «Кўмакчи»ни ўрганамиз, — дея Зийнегул опа янги мавзуни доскага ёзди. Кейин ўқувчиларга мавзу ҳақида тушунчалар берди...

Шу ерда очик дарс бўлаётган 9-«А» синфидаги таассуротларни мактабдаги кўрган таассуротларимиз билан боғлаймиз.

Тахтакўпир туманидаги мазкур 8-мактаб икки қаватли, шинам, замонавий. У мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури доирасида 2006 йилда таъмирдан чиқарилган бўлиб, ҳозир у ерда 322 нафар ўқувчи билим олаётди. Уларга 55 нафар фидойи ўқитувчи сабоқ бермоқда.

Ўқув даргоҳида катта спорт зали бор. Бири катта, бири кичик. Кичи-гида, асосан, баскетбол, шашка, стол тенниси тўғрақлари бўйича машғулотлар ўтказилади. Каттасида эса футболчилар шуғулланади. Ҳар куни бўлмаса ҳам, кунора хаваскор футболчилар мусобақалашиб туради.

Сўнгра кимё, биология, физика фанлари бўйича лаборатория хоналарини кўрдик. Кимё фани ўқитувчиси Айгул Эшниевова бизга микроскопда баргнинг ҳужайраларини кўрсатди. Фаннинг ўзига хос ажойиботларидан таъсирланганча, компьютер хонасига бордик. У ерда 7-«Б» синф ўқувчиларининг ахборот технологияларидан билимларини кўриб, тўғриси, қувондик...

— Ҳозир биз «Кластер» методида интерфаол ўйин ташкиллаштирамиз, — давом этади Зийнегул Қаллибекова.

Дарвоқе, биз яна Зийнегул опанинг дарсида-миз. У киши берилиб сўзлайди.

— Ҳозир сизларга қоғозлар тарқатаман. Сизлар эса қоғоздаги саволларга белгиланган вақтда жавоб беришингиз керак...

Ўқувчилар қоғоздаги саволларга жавоб беришди. Сўнг учта гуруҳга бўлиниб, ўзаро беллашишди. Мана ҳозир улар

«Кўмакчи» кроссвордини ечишяпти...

Фурсатдан фойдаланиб, яна таассуротларни мактабдаги ахборот-ресурс марказига бура-миз.

Ахборот-ресурс маркази 6047 дона китоб фондига эга. Ўқувчилар бу ерга мунтазам келиб, кутубхоначи опа Намихон Сифатдиновадан турли бадий, дарслик китоблар олиб ўқишади. Шунингдек, улар марказ томонидан ташкил этилаётган «Китобсеварлар», «Ким қандай китоб ўқийди?» танловларида ҳам фаол қатнашар экан.

— Мактабимизда ўқувчиларнинг чуқур билим олиши учун барча имкониятлар мавжуд, — дейди мактаб директори Омонгелди Сифатдинов. — Мен шогирдларим билан фахрланаман. Чунки улар мана шу имкониятлардан унумли фойдаланмоқда. Масалан, Улдавет Утемисова, Турсуной Абдурасулова, Жеткер Хожабоев кўплаб танловларга қатнашиб, совринли ўринларни эгалламоқда...

Кўнғироқ овозидан чўчиб кетдим. Қарасам, бир соатлик дарс ҳам тугаяпти. Ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Зийнегул Қаллибекова ўқувчиларга уй вазифасини бераёпти...

Таассуротларга бой бир соатлик очик дарс якунланди. Аммо мактаб ҳақидаги таассуротлар ҳали тугамади. Негаки, келгусида бу мактабнинг эришажак муваффақиятлари, чўққилари кўп.

Кумар БЕГНИЯЗОВА,
«Turkiston» мухбири

Таълим жараёнида интерфаол услублар ва замонавий ахборот коммуникацион технологияларнинг аҳамияти катта.



ИНТЕРФАОЛ УСЛУБ САМАРАДОРЛИГИ

Бу борада ўрта махсус касб-хунар коллежларидаги информатика ва ахборот технологиялари фани ўқитувчиларининг олиб бораётган ишлари диққатга сазовор. Бекобод шаҳар техника-иқтисодий касб-хунар коллежи информатика ва ахборот технологиялари фани ўқитувчиси Баҳодир Мавлоновнинг изланишлари, таълим жараёнида янги инновацион технологиялардан унумли фойдаланаётганлиги ҳамкасбларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ёш, изланувчан ўқитувчи билан яқиндан танишиш мақсадида унинг очик дарсларини кузатдик ва ҳақиқатдан ҳам машғулот жараёнида Баҳодир Мавлоновнинг ўқувчилар билан жуда фаол ва самарали иш олиб бораётганлиги-га гувоҳ бўлдик. Масалан, «Фотошоп график муҳарририда ишлаш» мавзуидаги очик дарс ўзига хослиги билан диққатимизни тортди. Ушбу дарсда ўқитувчи ўқувчиларни икки гуруҳга бўлиб, ҳар бир гуруҳга ўтилган мавзуни мустақамлаш мақсадида графикли органайзерлардан фойдаланган ҳолда ишлашни топширди.

Шу тариқа биринчи гуруҳ ўқувчилари «Шахсий компьютернинг қўшимча қурилмалари ва

дастурлари», иккинчи гуруҳ ўқувчилари эса «Кластер» усулида «Офис дастурлари пакети ва унинг таркиби» мавзуларини тақдимот қилишди. Бу билан ўқитувчи ўтилган мавзуни мустақамлади, ўқувчиларнинг уйга берилган мавзуга тайёргарлиги текширилди ҳамда гуруҳдаги барча ўқувчилар баҳоланди.

Сўнгра ўқитувчи дарсда янги мавзуга тўхталди. Амалий тарзда ташкил этилган янги мавзу «Фотошоп график муҳарририда ишлаш» деб номланиб, ушбу мавзу Соғлом бола йилига бағишланди. Бунда ўқитувчи ўқувчилар олдида Соғлом бола йилига бағишлаб кўргазмани фотожамланма тайёрлаш вазифасини қўйди ва бу топшириқни ўқувчилар фаол тарзда бажаришди. Дарснинг якуний қисмида эса уйга вазифа сифатида «Мен тадбиркорман» мавзуида фотожамланма тайёрлаб келиш вазифаси юклатилди.

Очик дарсга ташриф буюрган ўқитувчилар ҳам савол-жавобларда иштирок этишди ва ўзлари учун керакли маълумотларни олдилар.

Ашурли БОЙМУРОД,
«Turkiston» мухбири

2014-yil — Sog'lom bola yili

ЭЛ ЖОНИ ОМОН БЎЛСИН

«*Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур*»
— *Ушбу ҳикмат замирида бутун бир мамлакат, халқнинг келажигига дахлдор улуг ният мужассам. Унинг ижобати кишиларнинг тиббий маданияти, мамлакатда соғлиқни сақлаш тизимининг қандай йўлга қўйилгани, соҳа вакилларининг билими, малакаси сингари қатор омилларга боғлиқдир.*

Мамлакатимизда истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб тиббиёт соҳасига алоҳида эътибор қаратилди. Оналар ва болалар саломатлиги муҳофазага олинди, инсон

саломатлиги, унинг манфаатларини таъминлаш барча нарсдан ҳам муҳим, устувор вазифага айланди. Фақат шаҳар ёки туман марказларида эмас, соҳанинг қишлоқ жой-

ларда ҳам бирдек ривожланишига аҳамият берилди. Замонавий техник жиҳозлар билан таъминланган поликлиника, қишлоқ врачлик пунктлари, шифохоналар қурилди, мавжудлари таъмирланиб, янада қулай ҳолатга келтирилди. Ана шундай муҳим ўзгаришларни Қашқадарё вилоятида ҳам кўриш мумкин.

Жумладан, Чироқчи туманида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш тубдан яхшиланиб бормоқда. Шифохоналар, қишлоқ врачлик пунктлари замонавий тиббий асбоб-ус-

куналар билан таъминланмоқда.

— Ўтган йили умумий қиймати саккиз миллиард 439 миллион сўмлик 160 ўринли даволаш мажмуаси, 150 қатновга мўлжалланган кўп тармоқли марказий поликлиника биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди, — дейди туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи, вилоят Халқ депутатлари кенгаши депутати Холиёр Қодиров.

Айни пайтда Чироқчи туманида учта шифохона, 400 ўринли тиббиёт бирлашмаси,

саксон ўринли юкумли касалликлар шифохонаси, 105 ўринли Кўкдала худудий касалхонаси, 21 та қишлоқ врачлик пункти, учта поликлиника, битта стоматология, иккита дорихона, битта ДСЭНМ, 15 та «Тез ёрдам» пости, битта «Сано» хусусий шифохонаси ва тиббиёт бирлашмаси таркибида ташкил этилган ўттиз ўринли шошилинч тиббий ёрдам бўлими фаолият кўрсатаёпти. Уларда 297 нафар олий маълумотли врач, 2364 нафар ўрта махсус маълумотли тиббиёт ходими кишилар саломатлиги йўлида хизмат қилмоқда.

Шавкат КАРОМОВ,
«Turkiston» мухбири

■ Navoiy kunda kerak ■

«ФИКРУ ХАЁЛ ЎЗГАЧА»

Бахтли халқимиз. Чунки бизнинг Навоийимиз бор. Унинг адабий мероси бир офтоб, қанча авлодларни ўз зиёси билан баҳраманд этиб турса-да, бир қатим ҳам нури камаймайди, қимматини йўқотмайди.

Навоий газаллари мутолааси ўқувчига шундай ҳузур бағишлайдики, ҳар гал ўқиганимизда янги-янги маъноларни уқамиз. Юрагимиз тубидаги энг покиза ҳислар, боқира туйғулар бош кўтарари, галаён қилади. Шеърят аталмиш уммоннинг асирига айланасиз. Келинг, улуг шоирнинг «Ўзгача» радибли газалини мутолаа қилиб кўрамиз.

*Ваҳки, чамандин яна эсти шамол ўзгача,
Ҳар дам ўлур атридин кўнглума дол ўзгача.*

Бунчалар чиройли таърифланган чаман қаер экан-а? Газал шундай гўзал оҳанг билан бошландики, беихтиёр кўз олдингизга обод бир боғ келди. Бундай бетакрор гўша тушингизга ҳам кирмаган. Назаримда, биз бундай жойни орзу қиламиз, холос. Нима учун бу чаманнинг шамоли ўзгача туюлади? Нима учун у кўнгилга хуш ёқадиган бўй таратади? Чунки у оддий чаман эмас. Бу — илоҳий ишқдан баҳрамандлик боғи, шу ишқ билан маст бўлиш боғи.

*Булбули кумри чекиб лаҳну наво ўзга навъ,
Кўргузадур сарву гул ганжу далол ўзгача.*

Бу чаманнинг булбулу кумрилари ҳам ўзгача сайрайди, уларнинг куйига таҳсин ўқийсиз. Қомати сарвдек тик гул эса қош-кўзларини учириб, ноз-карашмалар қилади. Гулнинг кўзи борлиги ҳақидаги лавҳани биз «Ҳайратул-аброр» достонидаги Нуширвон ҳақидаги ҳикоятда учратган эдик. Нуширвон нарғис гулининг кўзидан уялиб, адабсизликдан қайтган эди. Юқоридаги байтда ҳам жонсиз нарса жонлантирилиб, ташхис санъати қўлланган.

*Савсан ўлуб сарбаланд, гунча қилиб нўшханд,
Элга алардин этиб дафъи малол ўзгача.*

Гулсафсар юксакликка кўтарилиб, гунча эса чиройли табассум қилади (яна ташхис санъатини кўряпмиз). Бу ҳодисалар халққа, одамларга хотиржамлик бахш этади. Бу, албатта, Яратганга бўлган муҳаббат эвазига келган бахтиёрлик туйғуси.

Биринчи мисрада ички қофия ҳам мавжуд: сарба-

ланд – нўшханд. Бу қофияланиш газал оҳангдорлигини кучайтиради.

*Сунбули пуртоб ҳам, лолаи сероб ҳам,
Дуд ила ўтдин бўлуб шибху мисол ўзгача.*

Ярқираб кўзларни қувнатадиган сунбул ҳам, сероблигидан қирлар бағрини гиламга айлантирадиган лолалар ҳам, ҳаттоки тутун билан оловнинг ҳам ўхшаши топилмайди, уларнинг бари ўзгача. Бунинг сабаби эса биринчи байтда келтирилди – чамандан эсган ўзгача шамол.

Биринчи мисрадаги ички қофия таркибида радиф (ҳам) иштирок этган.

*Кирди магар дилбарим, хури пари пайкарим,
Гулиан аро кўнглида фикру хаёл ўзгача.*

Агар бу чаманга севиқли ёр, парисурат гўзал ташриф буюрса, бу гулшан ичида унинг фикру хаёли ҳам ўзгача бўлади. Севимли ёр хурларга, париларга ўхшатиляпти. Ошиқ йигит ёрининг шу чаманга киришини жуда хоҳляпти, чаманнинг ёр билан ўзгача бўлиб кетишини кўнгли сезяпти.

*Бўлса манга доғи йўл, андаки айш айлар ул,
Қилсам эди маст ўлуб қолу мақол ўзгача.*

Ошиқ йигит ишқ йўлидан ҳеч чарчамаган, аксинча, яна йўл юришни истади. Бу йўлда айшу ишрат қилиб, маст бўлиб, ўйламай, беихтиёр баъзи гап-сўзларни айтиб юборишни орзу қилади. Агар майнинг ишқ рамзи эканлигини ёдга олсақ, ошиқ муҳаббати қандай муҳаббат экани маълум бўлади.

*Умри абад топқамен, тутса манга бир қадах,
Нашъаи майдин анга хусну жамол ўзгача.*

Агар севиқли ёр ошиқ йигитга қадахда май тутса, у мангу яшайди, қиз кўлидаги қадах йигитга абадий умр бағишлайди. Май хаёлидан ошиқнинг хусну жамоли ҳам ўзгача тусга киради, у ўзини жуда бахтиёр ҳисоблайди.

*Зухд, Навоий санга бермади масжидда файз,
Энди кириб дайр аро, тарзни сол ўзгача.*

Мақтаъда Навоий зоҳидга мурожаат қияпти. Унинг масжиддаги ҳолатидан қоникмаяпти, унинг дайр (дунё, ҳаёт)га кириб, ўз яшаш тарзини ўзгартиришини сўрайди. Бу билан шоир жамиятдан, кундалик ҳаётдан узилиб қолган кимсаларни кишилар билан аралашшига, қизғин турмуш тарзига, ҳаётга қайтишга даъват этади.

**Саодат ЭШПҲАТОВА,
ЎЗДЖТУ қошидаги 3-академик лицейнинг она тили ва адабиёт фанлари ўқитувчиси**

■ Yosh fermerlar faoliyatidan ■

ЕРГА МЕХР БЕРГАН БАРАКА ТОПАДИ

Қарши туманидаги «Нуқробод» фермер хўжалиги раҳбари Рустам Жўраев ернинг тилини тушунадиган инсонлардан. Ёшлигидан деҳқончилик сирларини ўзлаштирган Рустам Жўраев ўн тўрт йилдан буён фермерлик фаолиятини юритиб келяпти. Айни пайтда «Нуқробод» фермер хўжалигида йигирма киши доимий иш билан банд. Уларнинг савий-ҳаракатлари билан экин майдонларидаги ҳосилдорлик йилдан йилга ошиб бормоқда.

— Ўтган йил пахта майдонининг ҳар гектаридан 36,5 центнердан, ғалладан эса олти центнердан хирмон кўтардик, — дейди Рустам Жўраев. — Режадаги 108 тонна ўрнига 150 тонна пахта, 120 тонна ўрнига 137 тонна ғалла топширдик. Кўптармоқли фермер хўжаликлари билан бирига айланаётган хўжалигимизда қирқ тўққиз бош қорамол парваришланиб, унинг ўн бошидан сут соғиб олинапти. Хўжалигимиздан ортган сутни туманимиздаги мактабгача таълим муассасалари-

га тарқатамиз. Мавжуд қорамолларни етарли озуқа билан таъминлаш учун ўн гектар майдонда беда ўстирилмоқда.

«Нуқробод» фермер хўжалигининг тўрт ярим гектар тутзори бор. 17 гектар боғда эса турфа хил мевали дарахтлар парваришланмоқда. Фермер хўжалигида ишлаётган ишчи-хизматчиларнинг асосий қисми коллеж битирувчиларидир. Сувчилар — Сафар Рўзиев, Мурод Бобоёров, механизаторлар Бекмирза Курбонов, Отабек Тила-

ков, Фахриддин Курбонов, Лазиз Кўчқоров дала ишларини меҳр билан бажариб келишяпти. Уларнинг қилган меҳнатлари ҳам фермер хўжалиги томонидан муносиб рағбатлантирилмоқда.

Ҳар қандай меҳнат иш қуроли билан зийнатлидир. «Нуқробод» фермер хўжалиги ҳам чигит экиш тракторидан тортиб, ғалла ўриш комбайнигача бўлган барча турдаги техникалар билан таъминланган. Бу эса ҳам иш самарадорлигини, ҳам даромадни оширмоқда.

Халқ депутатлари туман кенгаши депутаты Рустам Жўраев яқинда ажойиб ташаббусга қўл урди. Гап шундаки, фермер хўжалиги ҳудудида бўш ётган ерларда учта ҳовуз қазиб, балиқ парваришлагача киришди. Бу ерда у балиқ маҳсулотларидан тайёрланадиган парҳез таомларни тайёрлаш учун ошхона ҳам ташкил этмоқчи.

Фермернинг дала юмушларида умр йўдоши Зулфия Тўраева ҳамда фарзандлари — Муҳиддин ва Лобар ҳам яқиндан кўмаклашиб келмоқда. Ишбилармон фермер келгусида хўжалик тармоқларини янада кенгайтириш ниятида.

**Шавкат КАРОМОВ,
«Turkiston» муҳбири**



Кўнгилисизлик

Корея Республикасининг Пусан шаҳридаги Жаҳон тиллари университетининг таъмирталаб бинноси қулади.

Натижада эллика яқин одам вайрона остида қолиб кетди. Бир неча ўқитувчи ва талаба ҳалок бўлди. Фалокат вақтида университетда тадбир ўтказилаётган эди. Бу пайтда бинода юздан ортиқ киши бўлиб, уларнинг ярми қочишга улгурган. Қутқарувчилар бинонинг кучли қор ёғиши туфайли қулаганини билдиришди. Ушбу воқеадан сўнг мамлакатдаги бошқа таълим муассасалари бинolari ҳам текширилмоқда.

Олтин топадан деб...

Жанубий Африка Республикаси пойтахти Йоханнесбург яқинидаги вақтинча ёпиқ шахтада икки юздан ортиқ ноқонуний ишлаётган кончи қамалиб қолди.

Тартиббузар кончилар олтин қазиб олаётганда тоғ ўпирилиб, кириш йўлини тош босиб қолган. Уларнинг аҳволи ҳақида аниқ маълумот йўқ.

ЖАР шахталари дунёдаги энг хавфли шахталар ҳисобланади. Ҳар йили мамлакат шахталарида ҳалок бўладиганлар сони буни тасдиқлайди.

Ҳар ҳолда фалокат юз бермади...

Хитойнинг Фуцзянь провинциясида ҳайдовчисиз юриб кетаётган автобус тўхтатилди.

Аниқроғи, ўзини ёмон ҳис қилган Тянь Юйчао исмли ҳайдовчи автобусни тўхтади, ундан тушади. Ундан узоқлашганда автобус юра бошлади. Ҳайдовчи уни қувиб етди ва гилдираклар ёнидаги тормозни босади. Унча автобус ўн бир автомобиль ва битта светофорни шикастлашга улгуради. Ичида йўловчилари бўлган транспорт бахтли тасодиф туфайли йўловчиларга ва яқин атрофдагиларга зарари етмади. Факулдада вазиятлар учун ўрнатилган ташқи тормоз ускунасини босишга улгурган ҳайдовчи ўша заҳотиёқ инспекторга учради. Айни пайтда у шифохонада.

Ажойиб кашфиёт

Буюк Британиялик дизайнер Бенжамин Шайн узоқ муддат ишлатишга мўлжалланган «Rekindle» шамдонини ясади.

Идиш ичида мумнинг бугидан ёнадиган шам мавжуд. Ҳар сафар шам ёнганида мум эриб идишнинг пастки қисмига тушади. Шам ёниб тугагандан сўнг, қолипга тушиб қолган шамни юқорироққа кўтариб қўйиб, яна ёқиш мумкин. Қарабсизки, шам тугамайди. Ихтирочи ясаган идиши учун интернетдан буюртмалар олмақда.

**Интернет манбалари асосида
Жавоҳир КАРОМАНОВ тайёрлади**



ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!



Футбол ўйнашнинг, футбол ҳақида ўйлашнинг қотираман, деган, юрагида ўти бор мухлислар учун зўр имконият!

«ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ФУТБОЛ»

ТАНЛОВ-ВИКТОРИНАСИ

Викторинада иштирок этиш жуда осон! Сиз газетамизда эълон қилинадиган Ўзбекистон ва жаҳон футболга оид саволларга ўз вақтида тўғри жавобларни йўллаб борсангиз, кифоя. Танлов шу йилнинг 30 июнига давом этади. Унда энг кўп очко тўплаган уч нафар мухлис Бразилияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионати финали олдидан тақдирланади. Танловда 30 ёшгача бўлган мухлис ва мухлисалар қатнашишлари мумкин.

8-савол:

Биринчи жаҳон чемпионатида Европадан қайси терма жамоалар иштирок этган?

Жавобингизни intellekt_sport@mail.ru электрон манзилига савол эълон қилинган кундан бошлаб бир ҳафта ичида ўзингиз ҳақингизда қисқача маълумот ва телефон рақамингиз билан бирга жўнатишингиз лозим.

Tadbirkor — yurt tayanchi

ДАСТУРХОНИМИЗДА МАҲАЛЛИЙ МАҲСУЛОТЛАР

Илгари қурут, қатик, қаймоқларни фақат уй бекалари тайёрларди. Мустақиллик шарофати билан шаҳар ва туманларда юзлаб сутни қайта ишловчи корхоналар вужудга келди.

оширилаётган ишлар ҳақида фахрланиб, шундай деди:

— Утган йил 102 та истеъмолчи ташкилот билан шартнома имзолагандик. Ҳозир корхонамиз Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё вилоятларига сут маҳсулотларини етказиб бераёпти. Шунингдек, корхона қошида иссиқхонамиз ҳам бор. Яқин орада қуритилган сут, йогурт ва музқаймоқлар тайёрлашни ҳам йўлга қўймоқчимиз.

Бугун корхонада Зокир Зиёдов, Неъмат Алиқулов, Ҳасан Сафаров, Гўзал Тўраева, Умид Равшанов кабилар қизғин меҳнат қилишмоқда. Дастурхонларни сут маҳсулотлари билан тўлдирмоқда.

Шаҳардаги худди шундай, пишлоқ, кефир ва бошқа сут маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган «Саидов Бекзод» хусусий корхонасининг ибратли ишлари ҳам диқ-

қатга лойиқ. Мазкур корхона замонавий ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, айни пайтда шартнома асосида Сурхондарё, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё вилоятларига сут маҳсулотларини етказиб бераёттир. Бундан ташқари, ҳар йили коллеж битирувчиларини иш билан таъминламоқда.

— Иссиқхонада 60 туп лимон ва бошқа витаминли кўчатлар ўстирилади, — дейди корхона ходими Насиба Турсунмуродова. — Қорамолчилик фермамизда эса йигирма бош сигиримиз бор. Келгусида корхонамизни бундан-да кенгайтиришни режалаштираяпмиз.

Ҳа, бозоримиз, дастурхонимизни сут, қатикча тўлдирётган меҳнаткашларнинг фаолияти мақтовга сазовор.

Шавкат КАРОМОВ, «Turkiston» муҳбири

Word search grid with various clues and arrows indicating directions.

Тузувчи: Фахриддин Раҳимов

Mustahkam oila

МУҚАДДАС ДАРГОҲГА МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР

Боёвут саноат касб-ҳунар коллежида эрта никоҳнинг олдини олиш, қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Боёвут туман кенгаши, туман тиббиёт бирлашмаси шифокорлари, маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари ва коллеж ўқувчилари иштирок этди.

Тадбир аввалида вояга етмаган қизнинг эрта никоҳ қуриши оқибатида издан чиққан ҳаётини коллеж ўқувчилари сахна кўриниши орқали маҳорат билан кўрсатиб беришди. Сўнгра, «Фарҳод» маҳалла фуқаролар йиғини фаоли Р.Шоимқулова сўз олиб, оила қураётган айрим ёшлар катта ҳаётга ҳали тайёр эмаслиги, оқибатда ўзларига ҳам, яқинларига ҳам кўп мушкулликларга сабаб бўлиб қолаётганини ҳаётий мисоллар билан келтириб ўтди.

Турмуш қуришдан асосий мақсад оила аталмиш муқаддас қўрғонни бунёд этиш экан, ёшларга бундай ишда шошмаслик кераклиги ўқтирилди. Шунингдек, тадбирда иштирок этган шифокорлар эрта никоҳнинг оқибатида тиббий жиҳатдан оилада носоғлом муҳит шаклланишини таъкидлашди.

Ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олдилар.

Жавоҳир КАРОМАТОВ

«TURKISTON» САВОЛ БЕРАДИ

Ушбу медиа лойиҳа давом этади. Лойиҳа доирасидаги иккинчи учрашув 2014 йилнинг 27 февраль куни «Камолот» ЕИХ Хоразм вилояти кенгаши раиси Мансурбек Машарипов билан бўлиб ўтади. Суҳбатдошимиз ҳақидаги маълумотларни www.kamolot.uz сайтида ўқишингиз мумкин.

Савол ва таклифларингизни savol@turkiston.uz электрон манзили ёки (+9 9871) 233-79-69 телефон рақами орқали кутиб қоламиз.

Унутманг, энг қизиқарли савол ва таклиф муаллифларини совғалар кутмоқда. Шошилинг, вақт оз қолди.

ЗУККО МУХЛИСГА САВОЛ:

Ер атмосферасининг энг баланд қатлами нима деб номланади?

Жавобингизни 21 февраль соат 16.00 га қадар 233-79-69, 233-95-97 рақамларига қўнғироқ қилиб беришингиз мумкин. Биринчи бўлиб тўғри жавоб йўллаган мухлис номи газетамизда эълон қилинади.

Ўтган сондаги саволнинг жавоби: «Фаройиб ус-сиғар».

Тўғри жавобни биринчи бўлиб Навоий шаҳридан Ақтам Жўраев, Самарқанд шаҳридан Маъруф Холиқов йўллади.

YON DAFTARCHANGIZGA

Олим бўлишга бўш вақтинг бўлса, оқил бўлишга ҳаракат қил.

Пифагор

SUDOKU

Sudoku grid with numbers 1-9 in various positions.

МУАССИС:

«КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2007 йил 19 апрелда № 0242 рақам билан рўйхатдан ўтган.



Бош муҳаррир:

Ашуров Салим Тўраевич

Таҳрир ҳайъати:

Баҳодир Фаниев, Меҳриддин Шуқуров (бош муҳаррир ўринбосари — «Turkiston»), Элмурод Нишонов (масъул котиб — «Turkiston»), Ирина Кочергина (бош муҳаррир ўринбосари — «Молодёжь Узбекистана»), Елена Калинина (масъул котиб — «Молодёжь Узбекистана»), Рустам Қосимов

Навбатчи муҳаррир:

Назарова Майсара Тошевна

Саҳифаловчи:

Рўзиев Зафар Хусанович

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Таҳририят манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: (371) 233-95-97. (371) 233-79-69 e-mail: info@turkiston.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-3 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табок. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Индекслар: 203, 3203 Баҳоси келишилган нарҳда.

Буюртма Г-257. Адади — 12819 Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.00 ЎЗА якуни — 21.15

Офсет усулида босилган.